

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқо бошлаган


ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 176 (10.481)

2005 ЙИЛ 6 СЕНТЯБРЬ

ИНСТИТУТ ҚОШИДА ЎҚУВ МАРКАЗИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида Германия ва Швейцариянинг «Shlafhorst», «Saurer Group» фирмаларининг гранти асосида замонавий йиғирув дастгоҳлари билан таъминланган ўқув маркази очилди. Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда мазкур олий ўқув юрти ўқитувчилари, талабалар, хорижий ишбилармонлар иштирок этдилар.



Унда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган ва изчил амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури таълим сифатини юксалтириш билан бирга олий ўқув даргоҳлари моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар. Таълимда кечаётган ислохотлар ўз самарасини бераётгани хорижда ҳам катта эътибор ва қизиқиш уйғотаётгани боис соҳага чет эл сармояси фаол кириб келмоқда.

Ватанимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалиши учун барча шароит яратилган. Бунда тўқимачилик ва енгил саноат етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Истиқлол йилларида пахтани хорижга хомашё тарзида эмас, балки тайёр маҳсулот ҳолида экспорт қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис юртимизда кўплаб тўқимачилик корхоналари барпо этилмоқда. Айни пайтда енгил саноат ва тўқимачилик соҳасида давр талабига мос кадрлар тайёрлаш, уларнинг билим ва малакасини муттасил ошириб бориш тақозо этилади.

Шундай хайрли мақсадга хизмат қилувчи мазкур ўқув марказида пахтани аралаштирувчи, тозаловчи, пилталовчи, пиликловчи ускуналар билан бирга пневмомеханик йиғириш, қайта ўраш, қалавни пишиштириш ва ҳавони тозалаш бўйича замонавий ускуна ва дастгоҳлар бор. Марказ талабалар олган назарий билим ва кўникмаларини амалиётда мустаҳкамлаш, тўқимачилик соҳасида илмий изланишлар олиб бориш, рақобатбардор маҳсулотлар яратиш имконини беради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Қосимов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев, Германия Федератив Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Ханс Йоахим Кидерлен иштирок этди.

Назokat Усмонова,
ЎЗА мухбири
Сарвар Ўрмонов (ЎЗА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали меҳнати билан мамлакатимизнинг алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини замонавий асосда ривожлантириш ва тақомиллаштириш ҳамда аҳолига намунали хизмат кўрсатишга қўшган катта ҳиссаси ва ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими»

Адамбаев Тўрабой Жуманиёзович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Хоразмтелеком» филиалининг электромонтери
Избосаров Аззам Фахриддинович — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг биринчи ўринбосари
Фидокорона меҳнати билан мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини оширишга катта ҳисса қўшгани, телекоммуникация тармоқларига хорижий сармояларни жалб этиш ва илгор технологияларини шу жумладан, шиша толали кабелларни жорий этишда улкан ютуқларга эришгани, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамлаш ҳамда жамоат ишидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Боймуродов Ғуломжон Олимович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 4-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасининг муҳандиси
Болтаев Маҳмадқуб Раҳматович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 10-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасининг кабелчи-пайвандчиси

Мадаминов Жўраҳон — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 2-шаҳарлараро магистрал алоқа техник боғламасининг электромонтери

Ҳакимов Маманазир Нозимович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Намангантелеком» филиалининг электромонтери

«Дўстлик» ордени билан

Антонова Наталья Борисовна — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» филиалининг мутахассиси

Бозоров Самад Кувондиқович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Қашқадарётелеком» филиалининг муҳандиси

Набиев Бахтиёр Авезович — Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази Олот радиотелевидение станциясининг алоқа монтери

Хамзин Алмаз Анварович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг мутахассиси

«Шухрат» медали билан

Абдураимов Ўлмас Абдукаримович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси 1-линия кабел иншоотлари цехининг электромеханиги

Исмоилов Исоқ Исроилович — «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Бухоротелеком» филиалининг муҳандиси

Коланов Курмангали Молдағалиевич — Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Миклина Генриэтта Матвеевна — «Алоқалойиха» масъулияти чекланган жамиятининг мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 5 сентябрь.

XVI сардоси

Барча маъбарлардан
олинган сўғити хабарлар

Мамлакатимизда

• Ўзбекистон Бадийи академияси Замонавий санъат марказида Истиқлол байрами арафасида очилган «Замин сайқали — Самарқанд» мавзусидаги кўргазмада ушбу гўзал ва бетакрор шаҳар, унинг табиат манзаралари, қадимий урф-одатлари, меҳнатсевар кишилари акс эттирилган икки юздан зиёд асар намойиши этилмоқда.

• Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Косари қишлоғида 450 ўринли иқтисодиёт касбхунара коллежи фойдаланишга топширилди. Бу ерда бухгалтер, аудитор, молиячи, менежер ва референтлар тайёрланади.

• Аҳолига уяли алоқа хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Гулистон шаҳрида «UNITEL» компаниясининг агентлиги очилди. «Гулистон Мобайл Сервис» фирмаси агентлиқни яхши жиҳозланган, кенг ва ёруғ бино билан таъминлади. Бу ерда кенг ассортиментдаги уяли телефонлар ва эҳтиёт қисмлар билан савдо қилувчи дўкон ҳам иш бошлади.

• Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан 2-12 сентябрь куллари мамлакатимизда анъанавий «Диққат, болалар!» ҳаракат хавфсизлиги ўн куниги ўтказилмоқда.

• «Лангар-ЎзРос» Ўзбекистон-Россия қўшма корхонаси кўмаги билан Хатирчи туманида гранит тошларини қайта ишлайдиган «Зарландустрия» масъулияти чекланган жамияти фаолият бошлади. Корхонага замонавий дастгоҳлар ўрнатилди.

Жаҳонда

• 7 сентябрда Мисрда илк бор муқобил асосда Президент сайловлари бўлиб ўтади. Сайловларда 9 нафар номзод рўйхатга олинган бўлиб, мамлакатнинг амалдаги раҳбари Ҳусни Муборак ҳам бешинчи бор ўз номзодини қўймоқда.

• АҚШнинг Янги Орлеан шаҳрида «Катрин» тўфони оқибатларини бартараф этиш ишлари олиб бориляпти. Бу ерга ҳозирда инсонпарварлик юклари қарвони келмоқда.

• Владивостокнинг «Авиалифт» компаниясига қарашли вертолёт Малайзияда ҳалокатга учради. Унинг уч нафар экипаж аъзолари ҳаётдан кўз юмди. Ҳозирда ҳалокат сабаблари аниқланмоқда.

• 19 октябрда Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн устидан суд жараёни бошланади. Унга 12 банд бўйича айб қўйилмоқда. Агарда Саддам Ҳусайннинг айблари исботланса, у олий жазога ҳукм қилинади.

НУФУЗИ ТОБОРА ОШИБ БОРМОҚДА



КЕЧА шаҳримиздаги «Тошкент теннис маркази» спорт мажмуасида теннис бўйича Осиё чемпионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, катта теннис ихлосмандлари иштирок этди. Ҳарбий оркестр садолари остида корта Осиёнинг 16 та мамлакатидан ташриф буюрган энг кучли ҳамда умидли спортчилар саф тортди.

Давоми 8-бетда.

Осиё чемпионати-2005



ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ — ЯНГИ КОШОНАДА

Миллат доврғини жаҳонга кенг ёйишда, одамлар онги ва қалбига эзгу ғояларни сингдиришда, халқлар ўртасидаги тинчлик ва дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда санъатнинг ўрни бекибсдир.

Шу боис юртимизда ёш истеъодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан бирга янгидан-янги санъат қошоналари барпо этишга, жаҳон ҳавас қилса арзигулик таълим даргоҳларини қуриб фойдаланишга топширишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Президент Ислам Каримовнинг шу йил 21 июлда қабул қилинган «Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат санъат институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига биноан пойтахтимиздаги Мироншоҳ кўчасида жойлашган бинолар мажмуи институт жамоасига берилди. Қайта таъмирдан сўнг замонавий қиёфа касб этган мазкур таълим даргоҳида янги ўқув йилининг бошланиши муносабати билан

бўлиб ўтган тadbирда маданият ва санъат арбоблари, олимлар, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев, мазкур институт ректори У.Қорабобоев, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, талаба Г.Назарова ва бошқалар мамлакатимизда миллий санъатимиз ривожини давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида эканини алоҳида таъкидладилар.

Тadbир қатнашчилари, профессор-



ўқитувчилар, талабалар барча имконият ва қулайликларга эга мазкур даргоҳ ёшларга санъат соҳасидаги билимни пухта ва чуқур эгаллашда муҳим омил бўлишини таъкидлаб, кўрсатилаётган бундай улкан гамхўрлик учун Ўртоқчилигимизга миннатдорлик изҳор этдилар.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ФАОЛ ХОТИН-ҚИЗЛАР ЎҚУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида туман ва шаҳар хотин-қизлар кўмиталари раисларининг давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати кўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига бағишланган ўқув курслари машғулоти бошланди.

Машғулотларнинг очилишида сўзга чиққан мазкур академия ректори Қ.Назаров, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Г.Маърупова ва бошқалар Президент Ислам Каримов раҳнамоларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини, ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбарининг ўтган йил қабул қилинган «Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони би борада дастурий амал бўлиб хизмат қилаётган. Мазкур ҳужжатнинг ижросини таъминлаш бўйича вазирлик, идоралар, жамоат ташкилотлари томонидан кенг қўламда ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда ёт қучлар томонидан аҳоли, айниқса ёшлар қалби ва онига таъсир кўрсатишга интилиш тобора ортаётган мураккаб замон хотин-қизлар кўмиталари фаоллари зиммасига ғоят масъулиятли вазифаларни юклайди. Зеро, ёш авлодни бузғунчи ва ёт ғоялар таъсиридан асрашда, йигит-қизлар қалбида Ватанга, миллий истиқлол ғояларига садоқат, умрбўқий қадриятларимизга меҳр-муҳаббат туйғуларини шакллантиришда аёлларнинг роли катта.

Мазкур академия ҳамда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлиқда ташкил этган ушбу ўқув машғулотлари жорий йилнинг 17 декабригача давом этади. Уларда юртимизнинг барча туман ва шаҳарлари хотин-қизлар кўмиталари раисларининг иштироки этиши кўзда тутилган. Дастлабки беш кунлик махсус курсларда Бухоро ва Навоий вилояти шаҳар ва туманлари хотин-қизлар кўмиталари раислари қатнашмоқда.

Ўқув курслари давомида Президентимизнинг «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» маърузасида илгари сурилган устувор йўналишлар ижросини таъминлаш билан боғлиқ амалий вазифаларга алоҳида эътибор қаратилади. Машғулотларда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишга оид чора-тадбирлар, Ўзбекистонда оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш механизмлари, диний мутаассиблик - жамият ҳафсизлигига таҳдид ва ундан хотин-қизларни ҳимоялаш, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларнинг асосий вазифаларига бағишланган маърузалар тингланади. Жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари олиб бораётган ишлар таҳлил этилиб, илгор тажрибалар ўрганилади.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Дукайт! Янги корхона

СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАНАДИ

Пойтахтимиздаги «Тошкентсүт» акциядорлик жамиятини техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш учун Россиянинг таниқли «Вимм-Билль-Данн Продукты Питания» компанияси 7,3 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция қиритишни кўзда тутган эди. Ана шу маблағнинг 5 миллион доллари айни вақтда ўзлаштирилди.

Бунинг натижасида бир кеча-кундузда 68 тонна сүт маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган замонавий ускуналар ўрнатилган янги корхона ишга тушди. Янги жиҳозлар ўрнатилган корхонада биринчи босқичда 128 та одам иш билан таъминланиб, маҳсулотнинг кефир, сметана, сузма, ряженка, сариеф, сузмали пишлок, йогурт, айрон сингари турларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланиб иш бошлаган «Vimm-Bill-Dann Tashkent» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонасида келгуси йилдан бир кеча-кундузда 25 тонна маҳсулот тайёрлаш режаланган. Бунинг учун фермер ҳужаликлари билан шартномалар тузилмоқда, аҳолидан ҳам сўт сотиб олиш кўзда тутилган. Корхонага бунинг учун 7 та сўт ташуви машиналар хизмат кўрсатади. Келгусида эса тайёр маҳсулотларни харидорларга сотиш учун фирма дўконлари ташкил этилади. Ҳозирда корхона цехларида сўтни қайта ишлаш асосида замонавий технологиялар асосида тайёрланаётган «Чудо», «Фругурт» йогуртлари, «Домик в деревне», «Весёлый молочник» сингари сўт ва сливалар харидорларга яхши таниш ва четдан келтириладиган ана шундай товарлардан бирмунча арзонлиги билан ажралиб туради.

— Қаерда бизни яхши қабул қилишса, биз ўша жойда ишлашни хоҳлаймиз, — дейди «Вимм-Билль-Данн Продукты

Питания» компанияси директорлар кенгаши раиси Д.Якобашвили. — Ўлайманки, биз Ўзбекистонда сўт маҳсулотлари бозорининг ривожига ва ушбу товарларга талабнинг ортиб боришига муҳим ҳисса қўша оламиз. Келгусида эса корхона маҳсулотларини қўшни Қозоғистон ва бошқа давлатларга экспорт қилишни кўзда тутганмиз. Харидорлар талабига кўра эса маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ортиб боради. Шунини алоҳида таъкидлашни истардимки, республика ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши, бу

ердаги яхши инвестицион муҳит ишимиз ривожига катта аҳамият касб этади. Амалдаги қонунчиликка биноан янги ташкил топган ушбу корхона рўйхатдан ўтган вақтидан эътиборан 7 йил мобайнида даромад солиғи ҳамда олиб келинган технология ускуналар учун божхона тўловлари тўлашдан, 2010 йилгача эса республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ барча турдаги маҳаллий солиқ ва йиғимлардан ҳам озод қилинган.

Бу, албатта янги ташкил этилган корхона ривожини таъминлашда, маҳсулотнинг рақобатбардор турларини яратишда муҳим ҳисса бўлади.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТЛАРДА: корхонанинг очи-
лиш маросимидан лавҳалар.



ҚОРАТОШНИНГ ТИКУВ ФАБРИКАСИ

Тошкент шаҳрида «Муруваттекс» хорижий шўъба корхонаси фойдаланишга топширилди.

Шўро замонида юртдошларимиз юртимизда минг бир машаққат билан етиштирилган пахта толасидан ўзга элларда тайёрланган кийим-кечакларни қимматиға сотиб олишга мажбур эди. Бошқача айтганда, Ўзбекистон сувтекин хомашё базасига айлантирилган, дарё бўйида сувга зор эдик. Бугун мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш, ундан тайёр маҳсулотлар тайёрлаш ҳажминини ошириш борасидаги улкан бунёдкорлик ишлари давом этмоқда.

Ватанимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида пойтахтимизнинг Қоратош мавзесида «Муруваттекс» хорижий шўъба корхонасининг очилиш маросими бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты, давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ва хорижий фирмалар, компаниялар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тadbирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев, «Ўзбекнегилсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Н.Қаландаров, Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Сирожиiddин Сайиди ва бошқалар юртимизда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг қўламда ишловлар мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш билан бирга, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини алоҳида таъкидладилар. Бунга янги ташкил этилган мазкур шўъба корхона ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

«Муруваттекс» хорижий шўъба корхонасининг таъсисчиси - Швейцариянинг «Зеромакс» фирмаси. Лойиҳанинг умумий қиймати 1,8 миллион АҚШ доллариға тенг. Аҳамиятли жиҳати - лойиҳаға кредит маблағлари жалб этилмаган.

Янги тикув фабрикаси мамлакатимиздаги бошқа саноат корхоналарида тайёрланган мато ва маҳсулотлар асосида йилгача 2,5 миллион донга тайёр трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотнинг катта улуши экспортга чиқарилади.

Айни пайтда корхонада 240 нафар малакали ёш иш билан таъминланди. У тўла қувват билан ишга тушгач, иш ўринлари сони 650 таға етади.

Янги корхонада тайёрланадиган трикотаж буюмлари юртдошларимизнинг юқори сифатли саноат маҳсулотларига бўлган эътиёжини қондириш билан бирга, мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишиға, республикамиз экспорт салоҳиятининг ортишиға хизмат қилади.

Н.ОЧИЛОВ,
ЎЗА мухбири

КИТОБЛАР ТАҚДИМОТИ

Мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов шу йил 31 август - Катагон курбонларини ёд этиш куни муносабати билан «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтган тадбирда тарихимизни ҳаққоний тадиқ этишда архив ҳужжатларини мукаммал ўрганиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади. Зеро, истибод замонининг ҳали ўрганилмаган жиҳатлари жуда кўп.

«Шахидлар хотираси» хайрия жамғармаси ташаббуси билан рус тилида нашр этилган «Репрессия. 1937-1938 гг. Документы и материалы» («Қатагон. 1937-1938 йиллар. Ҳужжатлар ва материаллар») ҳамда «Шимолий Кавказ сургундаги юртдошлар қисмати» (муаллифлари - Р.Шамсуддин

нов, А.Мамажонов) китобларининг Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ўтган тақдимотида шу ҳақда гап борди.

Унда сўзга чиққан «Шахидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси, адабиётшунос Наим Каримов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация

технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов ва бошқалар Президент Ислон Каримов ташаббуси билан Ватанимиз тарихини ҳолис ва ҳаққоний ўрганиш, қатагон йиллари жабрини чеккан минглаб юртдошларимизнинг пок номларини тиклашга катта

аҳамият берилганлигини қайд этди. Ана шундай улкан эътибор самараси ўлароқ, қатагонга учраган кўплаб юртдошларимизга оид тарихий маълумотлар аниқланиб, улар асосида бир неча китоб чоп этилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан нашр этилган мазкур китобларда ҳам бир пайтлар маҳфий саналган кўпдан-кўп ҳужжатлар, материаллар, маълумотномалар, рўйхатлар ва хариталар келтирилган.

ЎЗА

ҲАРБИЙ ҚАСАМЁД — ВАТАНГА САДОҚАТ РАМЗИ

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ҳарбий таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ жорий йилда мамлакатимиз олий ҳарбий таълим муассасаларига қабул қилинган курсантлар - энг улуг, энг азиз байрагимиз куни - 1 сентябрда тантанали равишда қасамёд қабул қилдилар.

Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик, Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик, Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик ва Жиззах авиация олий ҳарбий билим юртлари ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетида мазкур таълим муассасалари биринчи курс курсантларининг ҳарбий қасамёдига бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтди.

Курсантлар улуг айём кунинда халқимизга ва Президентимизга ҳамиша содиқ бўлишга тантанали равишда қасамёд қилдилар.

Бўлажак офицерлар аждодларимиз руҳи олдида сўнгги нафаслари қолгунча она-Ватанимизнинг садоқатли фарзанди бўлиб қолишга, ҳарбий хизматнинг бутун машаққат

ва қийинчиликларини сабот билан енгишга, давлат ва ҳарбий сирларни мустаҳкам сақлашга, ҳар бир қарич еримизни кўз қорачигидек асраш, чегараларимиз дахлсизлигини мустаҳкам ҳимоя қилишга сўз бердилар.

Ҳарбий қасамёд - Ватан олдидаги жавобгарликни чуқур ҳис қилиш, Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига қатъий риоя этиш, умумҳарбий Низом талаблари, бошлик ва командирларнинг буйруқларини сўзсиз бажариш курсантга катта масъулият юклайди.

Ҳарбий қасамёд қабул қилган билим юртлари курсантлари шу кундан эътиборан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг тенг ҳуқуқли жангчилари ҳисобланади.

лар. Шонли Қуролли Кучларимиз, қадрдон билим юртлари ва ота-болаларимиз жанговар аънаналарини изчил давом эттирувчилар ҳам мана шу ёшлардир.

Маросимларда курсантлар тўрт йиллик ўқув мобайнида ҳарбий билимларни қатъият билан эгаллаб, давлатимиз манфаатлари ва жонажон Ўзбекистонимиз мустақиллигининг муносиб ҳимоячилари бўлиб етишадилар, деб ишонч билдирилди.

Курсантларни ҳарбий қасамёд қабул қилганликлари муносабати билан Қуролли Кучларнинг раҳбарияти ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар қизгин табрикладилар.

— Бугун ҳаётимда унутилмас кун - ўз тенгқурларим қатори ҳарбий қасамёд қабул қилдим, — дейди Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юртининг биринчи курс курсанти Лазизбек Давронов. — Қасамёд менга она юртимизнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлиги, тинчлиги ва осойишталиги, халқимизнинг бунёдкорона меҳнатини ҳимоя қилишда доимо масъул бўлиш зарурлигини эслатиб туради.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎЗА мухбири

«КАМОЛОТ» ТАҚДИРЛАНДИ

Шайхонтоҳур туман ҳокимлигида туман маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари сардорларининг навбатдаги ўқув-семинар машғулоты ўтказилди.

Семинарда «Камолот» ЁИХ туман бўлими қошидаги «Посбон» маркази раиси Жуманазар Жонибеков, «Маҳалла посбони» тузилмалари аъзоларининг туман Ички ишлар бошқармаси ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда маҳаллаларда фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, вояга етмаган ва ёшлар томонидан ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятлар содир этилишининг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар ва йўл қўйилган айрим камчиликларга тўхталиб ўтди.

Йиғилишда фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлашдаги ишлари учун «Гулбозор» маҳалласи фуқаролар йиғини, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси ва шу маҳалладаги 334-сонли милиция таянч пункти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими томонидан ўтказилган мониторинг натижасига кўра «Энг яхши маҳалла фуқаролар йиғини» ва «Энг яхши милиция таянч пункти» деб топилди. Ғолибларга тантанали равишда кўргазмали деворий стенд топширилди.

«Туркистон-пресс»



Маъин

ИЛК САБОҚНИНГ ҲАЯЖОНЛИ ЛАҲЗАЛАРИ

Биринчи синфга бориб, илк меҳрибон устоздан ҳарфларни ўрганиш инсон ҳаётидаги энг ҳаяжонли ва ширин дамлардан ҳисобланади. Айниқса, Мустақил мамлакат Президентининг биринчи синф ўқувчиларига совғаси ҳисобланмиш ўқув қуроллари, дарсликлардан фойдаланиб, билимларни эгаллашни бошлашдан қувонарлиси бўлмаса керак.

Мирзо Улуғбек туманидаги 64-мактаб ҳам янги ўқув йилида ўз бағрига саксондан ортиқ биринчи синф ўқувчиларини қабул қилди. Мактаб маъмурияти ва ўқитувчилар болажонларнинг фақат яхши ва аъло баҳоларга ўқишлари учун барча шарт-шароитларни яратишди.

Бир сўз билан айтганда, билимлар оламига илк қадамингиз қўлуғ бўлсин, азиз болажонлар.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: дастлабки ҳаяжонлар; олий тоифали ўқитувчи, 28 йилдан буюн ушбу ўқув даргоҳида болажонларга таълим-тарбия бериб келаётган Гулнора Икромованин янги ўқув йилидаги илк дарси.

Алишер Рискйев (ЎЗА) олган суратлар

ПОЙТАҲТНИНГ
Бир кўни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСКА

• **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги «Гулистон» маҳалласида янги гузар очилди.

• **БЕКТЕМИР** туманидаги Мухтор Ашрафий номли маҳаллада «Мустақиллик — олий неъмат» мавзуида ўтказилган тадбир Истиқлолимизнинг 14 йиллигига бағишланди.

• **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги хотира майдонида тумандаги мактаб ўқувчиларига «Камалат» кўрак нишонларини топшириш маросими бўлиб ўтди.

• **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши хотин-қизларнинг жамиятдаги сиёсий фаоллигини ва маънавий ошириш гуруҳи ҳамда «Меҳр қўри» ўқув маркази ташаббуси билан «Энг яхши ижодий кўргазма» мавзуида танлов ташкил қилинди.

• **БУГУН** Чилонзор туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбир «Болалигим-пошшолгим» деб номланди ва унда туман мактабларидаги 2-синфларнинг аъло, жамоатчи болажонлари совғалар билан тақдирландилар ҳамда улар Ўзбекистон Миллий боғи аттракционларидан бепул фойдаландилар.

• **ЕБООД** маҳалласида «Маънавият ва маърифат» марказининг Бектемир туман бўлими ташаббуси билан «Мустақиллик — олий неъмат» мавзуида уюштирилган тадбирда маҳалла фаоллари ва ёшлари иштирок этишди.

• **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Хайриобод» маҳалласида «Биз ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмаймиз» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

• **ШАЙХОНТОҲУР** туманидаги «Тинчлик» маҳалласида «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган тадбир «Тинчлик — олий неъмат» деб номланди.

• **ЯККАСАРОЙ** туманидаги Юнус Ражабий маҳалласида «Ватан остонадан бошланади» мавзуида ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорлигида уюштирилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

“Хурматли “Оқшом” газеталари тахририяти ходимлари! Мен қалбимда чўкиб ётган ҳасратларимни қозғога туширишга қийналдим. Негаки ҳар гал қўлимга қалам олганимда андиша ўстун келаварида. Каловланиб қоламан. Очиги, от бошига иш тушса сўлиқ билан сув ичар, деган нақл бекорга айтилмаган экан. Шу маънода кечагина қўлида жараҳ-жараҳ пул ўйнаб турган одам вақти келиб, сариқ чақага ҳам зор бўлиб қолса, алам қиларкан.

Бундан беш-олти йил олдин “Вольво” русумидаги юк машиналарида хорижга чиқардик. Хайдовчи эдим. Ойлам тўксир,

бад астир яшардим. Бирон нимадан камчилик сезилмасди. Бирок кўнларнинг бирида содир бўлган автохалокат мени бир умрга ногирон қилиб қўйди. Ноумид шайтон деганлар, топганларимни, беш хонали уйимни ҳам гаровга қўйиб даволандим. Натижа бўлмади. Топган - тутганимиздан, уйимиздан ажралиб, ижарада яшай бошладик. Болаларимиз ҳали ёш. Тўнғичим бешинчи синфда ўқийди. Хотинимнинг боғча фаррошлигидан топган пуллари олти кишилик хонадоннинг унга урвоқ ҳам бўлмайди. Боз устига аёлнинг топганига шерик бўлиш эркак кишига тўғри келмас экан.

Шу тариқа ўзим билан ўзим овора бўлиб ётган кўнларимда онамнинг хасталикка чалинганини эшитиб, баттар эзилдим. Худого мени-ку соғлиқдан айирдинг, энди онамни ҳам хаста қилганин нима-си деб нола қилдим. Кейин бу шаккоклигимдан ўзим хижолат тортидим.

... Ногиронлар арава-часида бир амаллаб онамнинг уйларига бордим. Отамиз бундан анча йиллар олдин вафот этганди: бир-бирига суяниб қолгани учунми волидамиз бу жудаликни кўтара олмади. Кундан кунга сўлиб борарди. Дард устига чипқон деганларидек, бу ёқда мен яримжон бўлиб қолгандим... Сезиб юрардим, онам бу фожиага ҳам анча сиқилди. Юрак оғриғи бўлиб қолди. Ахир бутун бошли онамнинг бошлиғи бўлсам-да, ёшим анча-мунчага бориб қолган эса-да мен барибир онам учун боламан-да.

Опам, почтам ҳам шу ерда экан. Улар мендан бир кун олдин келишибди. Онамнинг сўлиғи юзига тикилиб, унинг ҳаёт шами сўниб бораётганига иқроор бўлдим. Хасталик зўридан, оғриқ азобидан қийнала-қийнала онамни ёнига чорлади. Шивирлабгина: “Энди йини Жамшидга берадиган палла келди. Маъракаларимдан кейин унинг оиласи ҳовлига кўчиб келишига турмуш ўртоғинг, фарзандларинг билан бирга ёрдам бер. Бу менинг васиятим”, деди. Бу гапни поччамиз ҳам, опамиз ҳам эшитди. Чидаб туролма-

дим, йиғлаб юбордим... Аммо тақдир экан, тез орада онамиз вафот этди. Маъракалар ўтиб бўлган, ҳовлига кўчиб ўтишга тараддул кура бошладим. Бироқ опам ва поччам, жияларим уйни сотамизга тушиб қолишди. Гўёки унда ҳаммамиз ҳаққи бормиш. Тиш-тирноғим билан қаршилиқ қилдим. Энг ачинарлиси бир қориндан таллашиб тушган жигаримнинг бу тарзда иш тутиши мени буткул ранжитди. Ҳатто онамизнинг васиятини ҳам писанд этмаган бу жигарини нима деб аташга ҳайрон қолдим.

Қадрли тахририят ходимлари! Матбуот ҳаммиса

Матбуот йўли орнади

МЕҲР-ОҚИБАТ — ИНСОН ЗИЙНАТИ

адолат куйчиси бўлиб келган. Шу боис оиламиздаги бу ғалваларни бартараф этишга ўз хиссаларингизни қўшсангиз сизлардан миннатдор бўлар эдим. Самимий эҳтиром билан, Жамшид.

Маткуб қўлимизга тушган кунни уни ўқиб қаттиқ таъсирландик. Яширишнинг ҳожаги йўқ. Ички бир маданият, тортинчоқлик, ўзбекона истихолоа билан ёзилган бу битик қалбиди жиллагина меҳр қалқиб турган инсонга бошқача таъсир қилиши шубҳасиз. Шу боис уни ўқиб кўрган кўпчилик ҳамкасбларимизнинг қўлида филтиллаб турган ёшни кўриб, муаллифига нисбатан ачиниш ҳиссини туйганимиз рост. Қаттиқ мутассир бўлганимиздан-микан ҳаёлимизга халқ тилида кўл бора таъкидланган хор этган хор бўлади, деган нақл келди.

Жамшид ака яшайдиган ижара уйга бурганимизда офтоб мисоли тандирдай ловиллаб борлиқни кўйдирётган эди. Бизни 10-11 ёшлардаги болакай қарши олди.

— Жамшид аканинг уйлари шуми?

— Ха! Адам уйдала кираверинг.

Кирдик. Қорамағиз, озгингина, аммо юзидан самимият ёғилиб турган Жамшид ака билан сўрашдик. Албатта, у ўзи ёзганидек ногиронлар арава-часида эди.

Салом-алик, ҳорма, бор-бўллардан сўнг муддаюга ўтиб кўя қолдик. — Биз газетаданми. Тахририятимизга маткуб йўллаган экансиз.

— Ха, шунақа бўлиб қолди, ука, — деди ҳамроҳимиз хижолат тортиб. — Узр, кеннойингиз ишда эди. Уйнинг ичи бетартиб...

— Беҳижолат, — дедик мезбонга таскин бериб. — Бизга ҳеч нимани яширмасдан бўлиб ўтган кўнглисизликларни очик-роқ баён қилсангиз, — дедик.

— Ниманиям яширардим. Сиздан бироз олдин опам ўғли билан келиб кетишди. Уларнинг айтишича ҳовлини сотиб пулини бўлашиб олиш керак

эмиш. Ёки ҳовлини қатта жияним бола-бақраси билан келиб эгаллаши керак эмиш. Бир чети эса менга тегар экан.

— Опангизнинг уй-жойдан камчилиги борми?

— Қаерда?! Хар бир ўғлига алоҳида-алоҳида уй олиб бериб қўйибди. Ҳамма гап опамнинг очо-фатлигида-да.

— Бўлиб ўтган гап-сўзларни қонуний ҳал этишнинг чора-тадбирларини ўйламадингизми?

— Шундай қилмоқчи ҳам бўлдим. Кейин ўртада ҳеч қандай юридик ҳужжат йўқлигини ўйлаб ниятмидан қайтдим... Менга қолса ана шу қийналиб турган пайтда...

Мезбоннинг томоғига нимадир тикилгандай бўлди. Гапиролмай қолди. Биз эса унинг кўнглидан нималар кечаётганигини, қалбига қандай қутқуқ кўйиб, яқин жигарининг ахволини тушунишни истамётган Жамила опа билан учрашиб, унинг ҳам “дард”ларини эшитиб, ҳулосаларимизга яқун ясаш ниятида у кишининг хонадонига қадам босганимизда қуёш тафти энди босилаётганди...

Дунё молига ҳирс қўйиб, яқин жигарининг ахволини тушунишни истамётган Жамила опа билан учрашиб, унинг ҳам “дард”ларини эшитиб, ҳулосаларимизга яқун ясаш ниятида у кишининг хонадонига қадам босганимизда қуёш тафти энди босилаётганди...

— Ҳовлида менинг ҳам ҳаққим бор, ука, — деди у андишани йиғиштириб қўйиб, бизнинг нима мақсадда ташриф буюрганимизни билган. — Раҳматли отамадан ёдгорлик бу.

— Тўғри, лекин ҳозир укангизнинг оиласига ёрдам бера олмайсизми? Жўжабирдай жон... Боз устига укангиз бир умрга ногирон бўлиб қолган...

— Энди ука, қилма топасан, экма ўрасан, деган гап бор. Катта-катта давлатларга чиқиб, қоп-қоп пул топиб юрган маҳалларда шугина жияларингга ёрдам бер, кун келиб сенга ҳам қайтарар деб ялинган пайтларим бўлган. У пайтларда болаларим ёш, турмуш ўртоғимнинг ишлари юришмаётган пайтлари эди. Шуюм бил опам, жигарларим дея сариқ қақасиниям раво кўрмаганди. Баттар бўлсин!

Бутун вужудимизни аллақандай ноҳус бир қарахтлик эгаллаб олди. Шундай бўлса-да охирги саволни бериб қўрдик. — Опангизнинг васиятини бажармаслиқдан қиймат сўроқлардан қўрмайсизми?

Жамила опа бу саволимизни очик қолдирди. Шу туришда қаҳрамонларимизнинг “мен”лиги ҳақида етарлича тасаввурни ҳосил қилиб бўлгандик. Гарчи ҳозирда қалби эзгуликка лиммо-лим инсонлар мазкур воқеаларнинг пировадини ижобий ҳал этишга бел боғлаган, ҳаммаси аяҳилик билан туғишга ишонгимиз келаётган бўлсалар-да, кўнглимизга ғайритабиий маҳдунлик чўкиб қолгани аини ҳақиқат.

Хидрали ПАНЖИЕВ

Хурматли газетхон, Энг улуг, энг азиз байрамимиз — Мустақиллик айёмининг 14 йиллигини ҳам куни кеча нишонладик. Айни шу лаҳзаларда ҳар биримизнинг кўнглимиздан буюк нёзват — Истиқлолдан фашрларини туй-гуси, юртимиз тинчлигини кўз қорачигидек асраш, Истиқлол қадрига етиш хисси ўтаётгани шубҳасиз. Дарҳақиқат, шу йиллар мобайнида ҳар бир соҳада ўзига хос янгила-нишлар, самарали ислохотлар юз берди. Бунёдкорларимиз томонидан нафақат пойтахт-тимизда, балки, мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудига кенг қўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, келажагимиз ворислари фарзандларимизнинг маънан өтук, жисмонан баркамол бўлиб вояга етиш-

ларини таъминлаш йўлида қилинаётган гам-хўрликлар албатта эрта-индин ўз мевасини беради. Истиқлолнинг бизга берган яна бир имконияти шу бўлдики, ҳар биримизнинг он-гимизда маънавий юксалиш сари интилув-чанлик кўзга ташлана бошлади, дамиманда-лик кайфиятидан ҳалос бўла бошлаганимиз, фаолликка, тadbиркорликка қизиқайганимиз, илму маърифатни эгаллашга бўлаётган саяё-харақатларимиз бунинг яққол далили-яптими, демак, Ўзбекистонимизнинг кела-жаги ишончли кўлларда. Доим биз билан мулоқотда бўлинг. Тошкент шаҳри, Матбу-отчилар қўчаси, 32-уй. “Тошкент оқшоми” газетасига хат йўлланг, 136-55-83 телефо-нига сим қоқинг, деб қоламиз.

Хатлар — ҳаёт ойнаси

ЭКОЛОГИЯНИ АСРАШ ЎЗ ҚўЛИМИЗДА...

Ёзининг жазирама кўнларида кўпчилик дам олиш мақсадида тоғ ёнбағридаги сўлим, баҳаво масканларга ошиқади. Шундай инсонлар борки, дам олиш масканида мазза қилиб ҳордик чиқаради, экологияга заррача зарар қилтирмайди. Аммо, айримлар, гувоҳи бўлганимдек...

Ҳар йилгидек жорий йилда ҳам оила аъзоларимиз билан Янгиободдаги дам олиш масканига бордим. Бу ердаги манзара шу даражада гўзалки, таъриф-лашга тил ожиз. Тўрт томони тоғ билан ўралган ушбу масканининг ям-яшил қўламзор гулзорлари баҳри-дилни-гизни очди. Сойда оқиб турган сувнинг шилдираши, юқоридан оқиб турган шаршара одамни ўзига жалб этади. Шаршара атрофига барча дам олувчи инсонлар келиб, ҳордик чиқаришни хуш қўришади. Афсуски, юқориде эслаганим, айрим дам олувчилар томони-дан ташлаб кетилган ҳар хил маиший чиқиндилари, яъни ичимлик идишлари,

Алдиба ИСМОИЛОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон
тиллари университети талабаси

Газетхон сим қоқади

РАҲМАТ СИЗГА, ЙИГИТЛАР

Ҳар куни тахририятимизга сиз азиз газетхонлардан маткублар оламиз, телефон кўнғироқлари бўлади. Табиийки, бу ҳолат “Оқшом” газеталари ходимлари-ни қувонтиради. Демак, “Хатлар — ҳаёт ойнаси” саҳифаси кўпчи-ликка манзур бўлмоқда.

Куни кеча телефон жиринглаб қолди. Гушакни қўтардик. — Алло, бу “Тошкент оқшоми” газетасими?

— Худди шундай.

— Мен Муяссар Юсупова бўламан. “Камолот” ЕИХ Чилонзор туман Кенгаши қошидаги “Махал-ла умидлари” марказининг раис-симан. “Хатлар — ҳаёт ойнаси” саҳифаси материалларини мунта-зам ўқиб бораман. Очигини ай-тай, саҳифадаги мақолалар мен-га маъқул. Бироқ, “Камолот”чи-лар ҳақида ёзмаганинглар фала-

ти. Муяссар опанинг бу танқиди бизни ажаблантирди. Бу суҳбат-дошимизга эътироз билдирдик. — Опа, ахир, ҳар ойда “Камолот” саҳифаси ҳам газетамизда мунтазам бериб борилади. Бу камлик қилаятми?

— Биламан, эътирозингиз ўринли укажон, — гапни илиб кетди Муяссар опа. — Лекин мен ҳозир сизга айтиб бермоқчи бўлган воқеани эшитингда, кей-ин ҳулоса чиқараверинг.

Муяссар опа ҳикоясини бош-лади.

— Шўрқки, “Камолот” ЕИХнинг обрўси кундан-кунга ортиб бора-пти, ёшлар тарбиясида бу ҳаракат-нинг роли катта бўлапти. Қўвонар-лиси, ёшлар ҳақиқатан ҳам ўзла-рини чинакам “Камолот”чилар деб биладилар. “Камолот” ЕИХ Чилон-

Зундалик ҳаётимизни газета-журналларсиз та-савуур этиб бўлмайди. Шу боис ҳам ҳар куни эрта-тонгандон, ўзим истиқомат қиладиган Гафур Ғулом кўчасидаги 29-сонли кўп қаватли уй орқасида сав-лат тўкиб турган газета-журналлар дўконига оши-каман. Аммо...

Ҳаттичидларни қайчилаганда

ГАЗЕТХОНЛАР НОРОЗИ БўЛИШМАСИН

Ҳамма гап ана шу “аммо”да. Ҳар куни эрталаб соат еттидан кеч соат еттигача ишлаши лозим бўлган 557-сонли ушбу газета дўкони доим ёпиқ. Агар сотувчи-сига аҳён-аҳёнда кўзингиз тушиб қолса ҳам дўпқини осмонга ташлайсиз. Биз бу ҳақда кўп марта дўкон со-тувчисини ҳам оғохлантирдик, матбуот тарқатиш бўйи-ча шахримиз мутасаддиларига мурожаат қилдик. Аммо нафи бўлмапти. Ахир 60 ёшдан ошган мен каби нафақахўрлар газета қидириб сарсон бўлишяпти. Зора газетда эълон қилинган ушбу хатимиздан кей-ин газета дўкони мунтазам ишлай бошласа.

Абдулла ТОЛИПОВ,
меҳнат фахрийси,
Шайхонтохур тумани

та газетхонлар “Нима бўпти. Од-дий инсонийлик бурчи-ку, бу” дей-ишлари мумкин. Лекин, тан оила-йи, ҳозирда, ҳамма ўзи билан ўзи овора пайтида, орамизда, “мен сенга тегмайман, сен ҳам менга тегма”, дейдиганлар кўпайиб бо-раётган, меҳру, оқибат бироз кў-рирган паллада Акмал билан Аб-дорнинг бир заифани ёвуз ният-ли йигит чангалидан кутқариши жасорат, мардлик эмасми? Демак, “Камолот” ёшлар қалбига тобора эзгулик, яхшилик уруғларини со-чиб борапти, уларда мардлик, ва-танпарварлик, меҳр-оқибат, эъ-зулик хислатлари янада шакл-нишига катта ҳисса қўймоқда. Шу боис ҳам “Камолот” ЕИХ ёшлар-нинг энг сеvimли масканига ай-ланаверсин. “Камолот”чилар са-фида Акмалжон ва Абдоржонлар-га ўхшаган йигитлар пайжаверсин. Сўзим нҳоясида, “Раҳмат, сизга, йигитлар” дейман.

Газетхоннинг дил сўзларини оққа кўчирувчи

Ақбар Йўлдошев

софдан бўлмас.

Шўрқки, ҳозирда соғлиғим яхши. Шифо-корларнинг маслаҳатларига доимий равиш-да амал қилаяман. Сўзим нҳоясида эса ме-нинг оёққа туришимга ақиндан ёрдам бер-ган халоскорларим бўлмиш шифоқорларга миннатдорчилик билдираман. Қалби хала-тидек оқ, меҳридарё шифоқорлар доимо соғ-омон бўлинг.

Маҳмаджон ШОКИРОВ

Тўқилмаган ҳикоялар

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Бахтиёр тузуккина корхонада ишларди. Топиш-тутиши ҳам чакимас. Аммо, қўлига тўрт-беш танга тушиб дегунча қўзлари жавдираб шерик излайди. Буни қарангки, шерик ҳам дарров топила қолади.

Бахтиёр бугун хурсанд. Чўчки маош олди-да. Нақд икки ойлик маошини олаётганда қўзлари қувончдан чараклаб кетди. Хотинига рўзгорга ал-батта пул беради. Дарвоқе, қўшниси Турсун ака-дан озгина қарзи бор, шуни тўлайди. Қолгани кей-инги маошга бир кўнларига яраб қолар. Ишхо-надан қўчага чиқди. Маҳалласига элтадиган авто-бусга ўтирди. Бекатда тушиб эндигина ўз кўчаси-га бурилган ҳам эдики, улфатлари қақриб қолиш-ди. Чойхонада ош қилишаётган экан. Димоғига иссиққина шўвраю паловнинг иси урилган Бахти-ёр кўнгли бўшлиқ қилиб чойхонага бурилди. Хул-лас тўрт оғайни ярим кечага қадар беш ишшини бўшаттиди. Бир-бирлари билан аранг хайрлашиб-ди. Кайфлари тарақ. Бахтиёр уйига бир амаллаб етиб келди-ю, хотинини қақирди. Болалар ухлаб қолган, хотини тунги навбатчиликка чиқиб кетган (шифохонада ишлайди). Зинадан кўтарилишига кўзи етмай ховлидаги супага чўзилди. Бироз ётди. Кайфи тарқалгандек бўлди-ю, ўрнидан турди. Томоқ қақрайди. Уйку ўчиб кетган. Токни хомотк қилмоқчи бўлди. Ток қайчини қўлига олганича қаловлана-қаловлана нарвонини устунга тираб юқорилай бошлади. Нарвоннинг бешинчи поғо-насига чиққан ҳам эдики, боши чир айланди. Ўзини ўнгламоқчи бўлиб тоқнинг новдасини ушлади. Қўриган новда «қарс» этиб синди. Бу ёни кўз очиб юмгунча рўй берди. Бахтиёр юқоридан паства зарб билан тушаркан, оғриқдан бақириб юборди. У ёғини эсломлайди. Шифохонада ҳўшига келди.

Умртқа поғонаси жиддий шикаст еган эканим, Бахтиёр шифохонада уч ярим ойдан кўпроқ ётди. Бироқ соғлиғи аввалгидек бўлармиди, илгари унча-бунча ишга чарнамайдиган Бахтиёр ётоқчилайди-ган одат чиқарди. Ёмғир ёкса, совуқ тушса бели оғрийд. Ачинарлиси, тузалиб кетгунча кўпчилик-дан қарздор бўлиб қолди. Тўғри қариндош-уруғ-лари, маҳалладошлари тез-тез унинг ҳолидан ха-бар олиб туришди, маънавий, моддий кўмак бе-ришди. Аммо қўлдан берганга қўш тўймас дейди-ларку. Ҳаммасидан ҳам маҳаллада тексалар фар-зандларини «Ароққа берилма», унинг касофати ёмон бўлади. Бахтиёрнинг кўни бошинига тушмасин», деб қойийдиган бўлишди. Бу гапларни Бахтиёр ҳам эшитди. Ҳозирда қилмишидан пушаймон. Бироқ, энди кеч эди.

Аъзам ЁДГОРОВ

ПУЛИНИ ТўЛАБ ҚўЙИНГ, УСТОЗ

Болалик ўртоғим Самад билан чойхонага кир-дик. Анчадан бери кўришмаганимизга, суҳба-тимиз чўзилиб кетди. Ҳазил-ҳазил билан икки ўртоқ икки шўша ароқни думалатиб қўйибмиз.

Кўчага чиқдик. Тўнги соат бирлар бўлиб қол-ган. Шаҳар транспортни ётиб қолган. Машина тўхтаётмоқчи бўлди. Бир оздан сўнг ёнимизга «Нексия» келиб тўхтади. Самад ҳайдовчини кўриб қувониб кетди.

— Шоғирдимку оғайни. Худо хоҳласа уйимизга текинга олиб бориб қўяди.

Албатта, манзил узок. Таниш машинада кет-ганга нима етсин. «Нексия»га ўтирдик. Самад хур-санд. Дарвоқе, Самад ўқитувчи бўлганиданим,

Маажжжж

«БУ ЖОЙ МЕНИКИ»

Аҳолига хизмат кўрсатаётган янги русумдаги автотранспорт воситаларидан ҳамшаҳарла-римиз миннатдор бўлишганимизга ҳеч кимга сир эмас. Негаки, бекатларда автобусни кутиб қолиш, тор, ноқулай, шалоган чиқиб кетган тирбанд автоуловларда юриш аста-секин барҳам топмоқда. Аммо, кишини таажжублантирадиган хижат шуки, ана шу қулайликларни пайкама-ётган ёшлар ҳамон орамизда учраб турибди.

Йўловчи ташиш транспортга ҳўжасизларча муносабатда бўла-ётган бу ёшлар орақларидаги муҳаббатларини автобуснинг қаеригадир ёзиш орқали мустаҳ-камлаш мумкин, деб ўйлайдилар-ми ёки ўриндиларнинг орқаси-га таҳсил олаётган жойлари, рўпарасидаги суянчиқни кўрсати-да, “манави исмларни унутиб қўйишмикин? Жамоат-чилик орасида ўзини тутиш, ахлоқ-одоб масалалари нима учун ҳамон долзарблигича қол-моқда? Ёки айрим ёшларимиз шунчалки “олов” бўлиб кетиш-ганим?

Шунда болалардан бири, “Сенлар бунини фломастерда ёзибсанлар, дарров ўчиб кетади. Мени билан ўйиб ёксанг, умрбод оғушида бўлишса, кимлардир

шоғирдлари кўп. Деярли ҳаммасини танийди. «Ўқитувчи ҳам бўлмаган эканман. Мени ҳам шо-ғирдларим иззат қилармиди», деб ичмидан ўкина-ман. Манзилга етиб келган, шифер машинани тўхтади-да, «Йўл ҳақи икки ярим минг сўм бўла-ди» деди. Бу гапдан ҳайрон қолган Самад «Ука-жон, сенга беш йил сабоқ берганман, синф раҳ-баринг бўлганман. Бир мартагина холис хизмат қиларсан деб ўйловдим», деди.

— Дарс берган бўлсангиз давлатдан маош ол-гансиз, текинга ўқитмагансиз. Пулини тўланг ус-тоз. Йўкса, келган жойингизга олиб бориб қўяман, — деди шоғирд совуқчина.

Ноилоҳ икки оғайни чўнтақларимиздаги қолган пуллари қоқиштириб олган шоғирда қараганча хайр-хўшни насия қилиб ўй-уйимизга тарқалдик.

Алишер ИНОЛОВ

«БОШИНГИЗ ОМОН БўЛСА БАС»

Иморат қуришнинг ўзи бўлмайди. Буни Алишер ҳам бошига тушганида билди.

Алишернинг хотини Дилобар тиниб-тинчимас, қаққон аёл. Шу сабабми, эр-хотин кўп қаватли уйда яшаётган кўра чоғроққина бўлсада ҳовлида исти-қомат қилишни истаб қолишди-ю, бор-йўқларини жамғариб аввалгига пойтахт яқинидаги ширкат ҳўжа-ликларидан бирида деҳқончилик қилишди, ипақ кўрти боқиди. Бу оиланинг меҳнати бесамак кет-мади. Ширкат ҳўжалари томонидан уларнинг ҳовли-жой қилишлари учун олти сотих ер ажратилди.

Аммо, ҳовла деган билан оғиз чўчимас эканда. Мана бешинчи йилдирки, иморат битмайди. Очиги, қурилатган тўрт хона уйнинг усти ҳам тўнунча бўлма-сада шифер билан ёпилиди. Наҳора, Алишер дав-лат корхонасида ишлайди. Маошга қарам одам. Лекин буни Дилобар тушунмайди. «Қачон алебас-тири олиб келасиз, тез орада бўёқ ишлари бошла-ниши керак», деявериб эрининг хол-жонига қўймай-ди. Яхшиямки, Алишер оғир-босиқ одам. Маошини қўлига теккан кўни ҳўжалик моллари дўконига кирди. Таниш сотувчидан бўёқ, мих харид қилиб уйига бори-ю, хотинидан балога қолди.

— Бир ой ишлаб маошга олганингиз шу арзи-маган миш билан бўёқ бўлди-ми? — салом-аликсиз бобиллаб кетди Дилобар.

— Сабр қил онаси. Яқинда меҳнат таътилига чиқаман. Пулни ҳам кўпроқ оламан. Боқиб қўйган қўйларингни, бузоқни сотамиз. Худо хоҳласа қол-гани ўшанда келар, — босиқлик билан гапирди Алишер.

— Мен ҳам нима қилай? Беш йилдан бери бит-та участкани тиклай олмайсиз. «Дом-дан бу ёққа қатнайвериб адо бўлдим-ку, — бўш келмади Ди-лобар.

Аслида ҳам руҳан, ҳам жисмонан толиқиб юр-ган Алишерга хотинининг бу муомаласи оғир бот-ди-ю «портлади».

— Мен нима қилай, аҳмоқ хотин. Маошга қано-ат қиладиган одамман. Шу иморатни деб ҳалова-тим йўқолди. Агар ана бир марта мени нўноқлик-да айбласанг, иморатингга ўт қўяману, ўзим бо-шим оққан томонга кетаман.

Эрининг бир сўзли эканини билган Дилобар бир зум унга қараб талмовсираб турди-ю, хато га-пириб қ

Йил тақвимининг сўнги вараги йиртилди. Омонлик билан 1996 йилга қадам қўйди. Утган йил билан миннатдорчилик ҳис-туйғулари ила хайрлашди. Сабоби, Мустақиллигимизнинг беш йили давомида Истиқлол инъом этган куч-қудрат самаралари аққол кўзга ташланиб қолди. Иқтисодий барқарорлик таъминланиб, ишлаб чиқариш юксалишига юз тутди. Ўзбекистоннинг эртанги кунини санъат салоҳиятини белгилаб берадиган замонавий корхоналарда дастлабки маҳсулотлар тайёрлашга киришилди. Шаҳар ва қишлоқлар киёфаси ўзгарди, қўрқам, бетакор бинолар, янги-янги уй-жой мавзелари барпо бўлди. Энг муҳими, юртимизда тинчлик-тотувлик, аҳиллик ҳукм сурди.

Айниқса, 1996 йилнинг Соҳибқирон Амир Темур йили деб эълон қилиниши ватандошларимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Асрий ҳақиқат юзага чиқиб, ҳақ жойида қарор тоналганидан барчамиз бирдек қувондик. Соҳибқироннинг 660 йиллик тўйи тантаналари узок йиллар жаҳон аҳлининг хотирасидан ўчмайди деган бўлди. Амир Темур бобомиз тўғрисида бор ҳақиқатларни ҳикоя қилувчи ўнлаб бадиий, илмий китоблар чоп этилди. Тарихда юз йиллар мобайнида сир сақланган қўлзмалар тилга кирди. Шундай аjoyиб ўғлонни, давлат ва салтанат асосчиси, илм-фан, маданият, маърифат ҳомиеси, юртининг шон-шавкати учун ўлимга ҳам тик боққан буюк инсонни камолга етказган табарруқ тупроққа, халққа тасаннолар айтиб, таъзим қилмоқ учун аҳли жаҳон Ўзбекистонга таъсир буюрди.

Тошкентда Темурийлар тарихи Давлат музейининг очилиши, айниқса катта тантана бўлиб кетди. Ўзининг салобати, маҳобати билан Соҳибқирон даври иморатлари билан бўйлашиб турадиган бу муҳташам бино халқимизнинг хоҳиш-иродаси, бунёдкорлик қудрати қанчалар юксалигидан абадий сўзлаб туради. Худди шундай Самарқандда, Шахрисабзда тикланган обидалар, улугвор ҳайкаллар, қўрқам майдонлар Амир Темур чиндан ҳам бизнинг фахримиз, гўруримиз эканлигини жаҳонга намойиш этди. Айниқса, Президентимиз Фармони билан Амир Темур ординининг таъсис этилиши, Самарқанд ва Шахрисабз шу муборак орден билан тақдирланиши барчамиз шод этди.

Соҳибқироннинг 660 йиллигига бағишланган Халқаро илмий анжуман буюк боқалонимиз таваллуд тантаналарининг ўзига хос гултоғи бўлди. Жаҳоннинг 50 дан зиёд мамлакатидан келган олиму фузалолар Амир Темур даҳоси қанчалар улуг эканлигини эътироф этдилар. Соҳибқирон тантаналари билан боғлиқ барча жараёнларни «Оқшом» газеталари қадам-бақдам ёритиб борди.

Биз таърихият аъзолари учун худди шу йили «Оқшом» газеталарининг 30 ёшга тўлиши ҳам яна бир муҳим воқеа бўлди. Шу сана муносабати билан эълон қилинган бош мақолада «Оқшом»нинг 30 йиллик фаолиятига қисқача баҳо берилди. Унда қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин:

«Ўттиз йил муқаддам — 1966 йилнинг 1 июль кунини кечки пайт «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг биринчи сони ўқувчилар қўлига теккан эди. Ўша пайтлар пойтахт улкан қурилиш майдонига айлانган эди. Ана шу яратиб, бунёдкорлик 30 йил давомида шаҳар газеталарининг етакчи мавзуси бўлиб келди. Агар Тошкент табиий офатдан сўнг яна қад ростлаб, замонавий уй-жой, маъмурий, маданий-маиший бинолар билан қўрқамлашган, худуд жихатидан кенгайган бўлса, у Истиқлол шарофати билан суверен давлатнинг пойтахтига айланган, том маънода иккинчи ёшлигини бошидан кечира болаётди. Шаҳарда бир-икки йил эсим, бир неча ой бўлмаган киши ўй берган ўзгаришлардан хайратга тушади. Халқимизга Мустақиллик ато этган куч-қудратни худди шу мисли қўрилмаган қурилиш суръатларида қўриш мумкин. Эски шаҳарни қайта қуриш ва обод этиш ҳақида ҳукмат қароридан сўнг бир йил ичидаёқ қафсдек текис, ўқдек тўғри Сағбон, Қорасарой, Форобий кўчалари бунёдга келди».

«Оқшом» газеталаридаги «Келажаққа юз тутган шаҳар», «Эски шаҳар ёшарди», «Шаҳарнинг нобъ иншоотлари қурилишида», «Пойтахт истиқболи» рунклари остида деярли ҳар сонда бериб борилаётган мақола, репортажлар ўқувчиларни бу

бунёдкорлик ишлари ва режаларидан баътафсил хабардор қилиб турибди. Биржа маркази, «Тата» меҳмонхонаси, «Тошкентленд» ва «Сув боғи», ўнлаб кичик-нонкорхона дўконлари, Юнусободдаги нобъ теннис мажмуаси, Миллий боғ, бир-биридан гўзал бозорлар, янги транспорт йўналишлари барпо этилиши, Темурийлар тарихий давлат музейи, «Олой» бозори олдидидаги уч қаватли йўллар кесимишаси ва бошқа қўллаб-иншоотлар қурилиши ҳақидаги лавҳа ва репортажлар шулар жумласидандир.

«Тошкент оқшоми» фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз ҳусусиятларига жуда мос кўриниши бўлиши, маҳаллаларнинг тикланиши ва ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ўша йиллари ташкил этилган «Маҳалладош» иловаси бугунги кунда доимий саҳифага айлانганлиги пойтахтимиз маҳалла аҳлини қувонтиради албатта.

Тошкент давлатимизнинг сиёсий, иқтисодий, илмий, айна пайтда маданий мар-

нинг муҳим жиҳатлари ҳақида танловлар ўтказиб келганлигининг шохиди бўлади. Хусусан, 1996 йил ҳам бундан мустасно эмас. «Оқшом»нинг 10 январь сонидида эълон қилинган «Ватан — саждагоҳ каби муқаддас» танлови фикримизнинг далилидир. Газета йилнинг ўзига хос ҳусусиятларини ҳисобга олиб ва Ўзбекистон Мустақиллигининг беш йиллиги шарафига «Бешёғоч» фирмаси билан биргаликда ушбу танловни ўтказишга жазм этди.

Шу йил газетамизда танқидий мақолалар, суд очерклари кўпайганлигини ҳам саҳифаларни синчиклаб варақлаган киши сезиб олади. Жуда кўп ҳаммасларим қатори мен ҳам шу йўналишдаги мақолаларга кўпроқ вақт ажратадиган бўлдим. Бойси танқидий чиқишлар кўпроқ мен бошқарган бўлим характерига мос келарди. Шу сабабли савдо корхоналари, ошхоналар, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалари ва бошқа соҳалардаги муаммо ва камчиликларни фовш этувчи мақолаларни кўпроқ ёза бошладим.

Шундай кунларнинг бирида қиш тайёргарлиги бўйича кўмир омборхоналаридаги камчиликларни қаламга олиб ўтирсам, телефон қўнғироғи жиринглаб қолди. Гўшакни кўтаришим билан ундан ёқимсиз дўрилдоқ овоз эшитилди:

— Бу «Тошкент оқшоми» тахририятими?
— Худди шундай.
— Менга Комилжонов келар экан эди.

— Истаган кишингиз менман, эшитаман сизни.

Сўзим оғзимда қолди. Гўшакдаги нотаниш киши сайраб кетди.

— Сен бола нима қилияпсан ўзи? Ёзиш учун танқиддан бошқа мавзу қўриб кет-димми, кўзингни оч, жон ширин бўлса йиғиш-тир бунақа чиқишларни.

Бир зум ҳайрон бўлиб қолдим, кейин сўрадим:

— Яхши, ким билан гаплашяман ўзи?
— Кимлигининг нима фарқи бор, эшит-динг, тамом.

Кейин рўй-рост бўралаб сўкишлар бошланди. Эшитмай ҳам, билмай ҳам деб гўшакни дархол жойига қўйдим. Кайфия-тим бузилди, қўлим ишга бормай қолди. Бу ким бўлиши мумкин? Нега бунақа тах-дид қилипти? Шу билан мени қўрқитмоқ-чим? Кечкурун ноҳуш ҳолда ўйга қайт-сам аёлим қўрқа-писа эшикни очди. Кун-дуз эшикни кулфлаш одати бўлмагани учун, «Тинчликми», деб сўрадим. У ҳаяжон-ланиб яқинда иккита нотаниш одам мени йўқлаб келганини, ишдан қайтмаганимни билган аёлимга дўқ уриб: «Эринг қадами-ни билиб боссин, ақс ҳолда оқибати ёмон бўлади», қабилида сўзлар айтиб тез ораксига қайтиб кетганини айтиб қолди.

Бу ҳодиса ҳақида ҳар эҳтимолга қарши баъзи керакли жойларни оғоҳлантириб қўйдим. Йўқ, шундан кейин нотаниш та-нишларим қайта безовта қилишмади. «Қўроққ олдин мушт кўтарар» қабилида ими-жиммида бўлиб кетишди. Журналист-нинг ҳаёти ҳамиша ҳам осуда кечмас-лиги, баъзилар ўйлаганидек, бу касб эн-гил эмаслигини, қалам аҳли ҳамиша одамлар кўз ўнгига бўлишини ушбу касбга меҳр қўйган ёшларга яна бир бор эслатиб қўйиш учун ушбу воқеани тилга олдим.

«Оқшом» газеталари йиллар давоми-да юртимизда, айниқса пойтахтимизда амалга оширилаётган барча хайрли иш-лардан четда қолмади. Баҳоли қудрат уларни ўз саҳифаларида ёритиб келди. Айниқса, ўша йиллар авж олган қури-лишлар ҳақида газетамизда жуда кўплаб мақолалар ёритилди.

Бугун саргайган саҳифаларни бирма-бир варақлаб уларнинг ҳар бири ҳақида ўзимча фикр юритаман. Сафдошларимиз-нинг ёзган мақолаларини ўқиб ўша йил-ларни эслайман. Ўтганларимиз хотира-сини ёдга оламан. Қаранг, йиллар учур отдек олиб ўтиб кетибди. Йил ошган сари ўтган кунларнинг ғаниматдек кўриниб қоларкан. Йиллар давомида қўлга кирит-ган ютуқларини кўриб қувонасан, кам-чиликларини эслаб ранжийсан. Журна-лист халқи синчков. Унда ўтган йилларда ёзилган мақолалар, долзарб мавзудаги материалларни қузатиш одати бор. Бунинг фойдали томони шундаки, йил ўтган сари ўша мақолалардаги сен англаб билмаган ютуқ ва камчиликлар аққол кўзга ташла-нади.

«Оқшом» саҳифаларини варақлаган киши ҳар йил бошида газета ўқувчиларни ўзига кўпроқ жалб этиш мақсадида йил-

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб домо бўлу...

● Сўрадилар: Дўст ким?
Айтди: Оғир кунда ёрдам берган киши.

Сўрадилар: Дунёда энг ёмон нарсани нима?

Айтди: Юраги қора дўст.

Сўрадилар: Юраги қора дўст нимага ўхшайди?

Айтди: Тушга ўхшайди, тушда аjoyиб нарсаларни кўрасан, аммо уйғонган-нингда қўлингга ҳеч нарса бўлмайди.

● Дунё сенга хуш ўтиши учун ўзингни ўткинчи ҳо-ҳаваслардан асра, мол-дунёнингни Худойи таолло розилиги йўлида сарф эт, шунда пушаймон емайсан!

● Ҳақиқий марднинг белгиси шуки, агар унда аjoyиб раъёу фикр со-дир бўлса, бунга асло мағ-рурланмайди. Уни ёмон-ласалар, ғазаби ўрнидан қимирлата олмади, агар уни мактаб, кўларга кўтарсалар унда манман-лик пайдо бўлмайди, хайрли ишлар ва тўғри амалларга бош қўшади.

Яна деди: Бундан аввал одамларни ер ютаётгани-ни кўяр эдим, энди қара-сам, одамлар ерни юти-шяпти. Кимки одамларга яхши ишларни буюриб, ўзи бу ишни қилмаса, бу ўзи бошқалар учун қўлида чироқ тутган одамга ўхшайди.

Яна айтди: Қаердаки қомил аҳли кўрсанг, у ерда очкўзлик ва ахлоқ-сизлики кўрмайсан.

Яна деди: ғазаб устида турган одам билан уриш-ма, уни ўша онда ўз холи-га келтириш қийин, бал-ки бу пайтда унинг ғаза-би янада зиёда бўлади. Чу-нончи бу ҳақда шундай дейдилар:

Икки оқил ҳеч қачон бир-бири билан уриш-майди.

Доно одам эса энгилтак киши билан тортишмай-ди.

Нодон киши ваҳшат би-лан қаттиқ гапирса,

Ақли одам юмшоқлик билан кўнгли олади.

Бундай қилишмаса, де-мак ҳар иккови ҳам нодон-дирлар,

Ҳатто занжир бўлса, занжирни ҳам узишади.

Яна деди: уч одамга ме-нинг кўнглим ачишади, камбағалга айланган бой-га, хорликка мубтало бўлган азиз кишига ва но-донлар орасига тушиб қолган олимга.

Ҳақли одамга нарса бермоқчи бўлсанг, ялин-тизмасдан бер.

Махмуд КОМИЛЖОНОВ

Ўшмал сароси

«ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КУНЛАРИ

ЎТТИЗ БИРИНЧИ ҲИКОЯ

кази ҳамдир. Адабиёт ва санъатга газе-тада кенг ўрин берилган. Ўқувчиларимиз «Ўзбек адаблари — «Оқшом» учун» руҳи остида таниқли ёзувчи ва шоирларимиз-нинг хали сиёҳи қўримаган қўлзмалари-дан парчалар ўқиш имкониятига эга бўляптилар. Шу билан бирга таърихият адабий жараён, театр, рассомчилик, му-сика ва санъатнинг бошқа соҳаларидаги янгиликлардан газетхонларни мунтазам хабардор этиб турибди.

Ўттиз йиллик тантаналари муносабати билан газетхонларимиздан жуда кўплаб таърихият телеграммалари, дил эҳзори би-тилган мактублар олинди. Жумладан, га-зетамизнинг доимий ҳамроҳи ва жонқуя-ри, Тошкент молия институтини профессо-ри Мусоқул Усмонов ўз истакларини шун-дай баён этганди:

— «Оқшом» билан дўстлашганимга, мана чорак аср бўлиб қолди. Илк марта мақолам чоп этилгандаги қувончимни ҳозир таърифлаб беролмайман. Утган йил-лар ичида юзлаб катта-кичик мақолаларим чоп этилди. «Одобнома» китобларимнинг пойдеворига илк гишт ҳам «Оқшом»да қўйилган. Газета саҳифаларида тарихи-миз, буюк сиймоларимиз, асрий анъана, удумларимиз тўғрисида чоп этилаётган материалларни алоҳида таъкидлаш кел-лади. Айниқса, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳаёти, фаолияти, Темурийлар дав-ри ҳақидаги туркум материалларни ёшу қари бирдек иштиёқ билан ўқишга ишона-манам.

Қадрдоним «Оқшом»нинг заҳматкаш ходимларини ўттиз йиллик тўйи билан чин қалбимдан таъбрикламан.

Ўттиз йил ижодий жамоа учун ўзига хос довод. Таърихият ходимлари унинг юқори нуқтасидан орта қараб бажарилган иш-ларга таъзим қилиш, олдиндаги масъули-ятли вазифаларни кўриб эса энг шимар-иш лозим, деган фикрда. Ана шу давр мобайнида «Оқшом» ўз киёфасига эга бўлди. Ўқувчисини топди. У ҳеч бир му-болагасиз халқ меҳрини қозонди. Оқшом-чиларнинг хозирги авлоди шаҳар газе-талари мазмуни ва мундарижасини янада бойитиш, унинг мустақил давлатимизнинг нуфузли нашрларидан бирига айланти-риш учун истеъдод ва билимларини, таж-рибаларини аямаядилар. Доимо ижодий изланишда бўладилар.

Газета тахмаллари — бу ўттиз йиллик ҳаётнинг жамланмасидир. Уларда ке-чани кеча, кундузни кундуз демай изла-наётган, ҳар бир янгиликни эл-юртга қўз-қўз қилишга ошқайтган ҳаммасларимиз-нинг меҳнати муҳтасам бўлган. Бу меҳнат оддийгина қилиб журналист меҳ-нати дейилади. Аслида эса ўттиз йил ичида чоп этилган материаллар одам-ларнинг, қолаверса, шаҳримизнинг ўзига хос тақдир, ўзига хос соломаси ҳисоб-ланади.

«Оқшом» саҳифаларини варақлаган киши ҳар йил бошида газета ўқувчиларни ўзига кўпроқ жалб этиш мақсадида йил-

Юртбошимиз Ислам Каримов айтганларидек «Хожа Ахрор Валий ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган. Унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган».

Хожа Ахрор Валийнинг эзгулик, тўғрилик, ҳалоллик, поклик, маънавий коммуналлик давлат этувчи ҳаёти ва фаолияти ҳар биримиз учун ибрат манбаидир. Шу ўринда у кишининг саховатпешалиги борасида икки оғиз сўз.

Хожа Абдуллоҳ Ахрори Валий 1404 йил баҳорида Тошкент қишлоғида Божистон қишлоғида туғилиб 86 йил умр кўрганлар. У кишининг аجدодлари маърифатли инсон бўлганлар, айти пайтда деҳқончилик билан шуғулланганлар, тижорат сирларини билганлар. Хожа Абдуллоҳ Тошкент мадрасаларида дастлабки илм олиб, Самарқанд, Чоғаниён, Хиротда билимини чуқурлаштириди ва Баҳауддин Нақшбанд таълимотига астойдил ихлос қўяди. Хожа-нинг фикрича, ҳар бир одам ўзини ўзи эплай билиши, ҳалол меҳнати билан тирикчилик қилиши ва албатта, бирор касб билан шуғулланиши шарт. У 26-27 ёшида Тошкентга қайтиб келиб Нақшбандия тариқатини аҳоли орасида тарғиб этади, шу билан бирга зироатчилик, чорвачилик ва тижорат билан машғул бўлади. Эътиборлиси шундаки, Хожа Ахрор Валий катта мол-мулк соҳиб бўлса ҳам бойликка берилиб кетмаган, мол-дунёни эл-юрт манфати учун сарфлашни виждон бурчи деб билган. Хусусан, ҳукмрон Умаршайх Мирзо Тошкент шаҳри аҳолисида жуда катта миқдорда солиқ талаб қилганда. Хожа Ахрор Валий аҳолига жабр бўлмасин деб уни ўз маблагидан тўлаб юборганлиги тарихда бор гап. Ул зот ўз умрини одамларнинг маърифатли бўлишига ва мазлумларнинг оғирини енгиллаштиришга қаратилган хайрли ишларни амалга оширишга бағишлади. Ҳазрат Тошкентда, Самарқандда, Қобулда мадрасалар қурди, бошқа бир қанча жойларда ҳам масжид, ҳаммом, кўприк ва бошқа иншоотлар барпо этган. Тошкент Чорусида жомеъ масжиди ва Шайх хованди Тоҳур макбариси ҳам ул зот ташаббуси билан қурилган. Деҳқончилик ва тижоратдан келган даромади мадраса, хонақоҳ ва саж-

дагоҳ хизматчиларини моддий жиҳатдан таъминлаш, муҳтож фуқароларга хайр-эҳсон қилишга сарфлаганлиги маълум.

Машҳур шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий йирик мулкдор бўлган, Унга мерос бўлиб қолган мулкдан тушган даромадининг барчасини савоб ишларга сарфлаган. Улуғ шоир йирик истеъдод эгалари бўлиб етишган. К.Бехзод, Хондамир каби ўнлаб ёшларга ҳомийлик қилган, кўпдан кўп ночорларнинг бошини силлаган. Навоий Хиротда ва бошқа ерларда ўз маблагига ҳаммом, шифохона, мадраса, хонақоҳ, раббат, кўприк, ховуз, кутубхоналар қурдирган ёки таъмирлатган.

миз бадавлат кишиларининг кўпчилиги ислом таълимидан келиб чиқиб хайру эҳсонга мойил, бева-бечораларнинг ҳолидан хабар олувчи, айти пайтда тежамкор, ўз ишини яхши билувчи инсон бўлганлар. Уларнинг аксариятига ҳалоллик сифатлари доимо ҳамроҳ бўлган. Хусусан, Тошкентда бундан юз-юз эллик йил муқаддам Қўқалдош, Барокхон, Юнусхон, Маҳмуд дастурхончи, Хўжа Аҳмадбой, Абдуқосим каби 20 дан ортик мадрасалар мавжуд бўлган ва асрлар давомида ишлаб турган. Ўлкамизда мадрасалар (бу сўз аслида дарсхона, тахсил олиш жойи маъносига тушунилади) кишиларнинг эътиқоди, билими бўлиб етишишида асосий макон бўлган.

Мадрасаларда исломиёт, шариат қоидалари, мантик, фалсафа ўргатилган. Айримларида шунингдек кимё, география, тиббиёт, фалакиёт, риёзиёт каби фанлар бўйича ҳам дарслар бўлган. Баъзиларида эса мусиқашунослик, наққошлик, хаттотлик ҳам ўргатилган. Демак, мадрасалар ўтмишимизда зиё маскани бўлган. Шу боис ҳам мадрасалар бадавлат, айти пайтда маърифат қадрини билган кишилар ташаббуси билан қурилган ва кўпинча, улар номи билан юритилган. Аждодларимиз уларнинг ҳимматиға ҳам, хизматиға ҳам раҳматлар айтиди. Тарихимизни синчиклаб ўрганган эканмиз, аён бўладики имконияти бор кишилар ҳаммом, шифохона, кўприк, масжид қурдирганлар, ариқ қазиб сув чиқарганлар, кишилар оғирини енгил қилишга интиланганлар.

Яна бир мисол. Бундан деярли юз йил муқаддам Абдулла Авлоний ташаббуси билан Тошкентнинг Эски Жўвасида «Турон» кутубхонаси ташкил топан эди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фулом Зафарий каби маърифатпарварлар шахсий жамғармаларидаги китоблар ҳисобига бу маскан кенгайа боради.

Бундай саъй-ҳаракатлар халқимиз қонида, зотида қадимдан мавжуд. Бу бежиз эмас. Одатда қобилиятли, тиришқок, тинимсиз изланишда бўлган кишиларга омад ёр бўлган. Шу боис ўлкамизда асрлар давомида ишнинг кўзини билладиган, илгити тўқ одамлар талайгина бўлган. Бундайлар бугунги кунда ҳам кам эмас. Хусусан, тадбиркор ишбилармонларнинг саховати, ҳиммати қўндалик ҳаётиимизда кўпроқ намоён бўлиши инсонийлик рамзи, халқимиз маънавий қиёфасининг ифодасидир.

Абдулла АБДУНАБИЕВ,
Тошкент Ахборот технологиялари
университетининг профессори

Қадриятларимиз

САХОВАТ — МАЪНАВИЯТИМИЗ РАМЗИ

Ўтган йили халқимиз Хожа Ахрор Валий таваллудининг 600 йиллигини эътиром билан нишонлади. Ўтмишни яхши билган олимларимиз буюк зотнинг кўп қиррали фазилатлари хусусида бирқанча мақолалари билан кўпчиликини хушнуд этдилар. Ўз замонида диёримизда тинчлик ва аҳилликни қарор топтиришга, ислом фалсафаси ривожига катта ҳисса қўшган ва бой маънавий мерос қолдирган бу улуг мутафаккир асрлар давомида халқимиз қалбидан жой олган инсондир. Хожа Ахрор Валийни Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек буюклар ўзларига пир деб тан олганлар.

Тарихимизга назар ташласак ўтмишда кўп давлат арбоблари ҳам саховат кўрсатганлигидан хабардор бўламиз. Хусусан, Амир Темур Туркистон шаҳрида Аҳмад Яссавийга мақбара қурдиради. Соҳибқирон 1391 йили Тошкентда бўлганида Зангиота қабрини зиёрат қилиб ул зотга лойиқ макбара қурилишига топшириқ беради. Амир Темурнинг Озарбойжондаги Мугон чўлига сув чиқариш учун ҳазинадан катта маблағ ажратганлиги маълум. Соҳибқирон, унинг зурриётлари Шохрух, Улугбек, Бобур, Бойқаролар юрт ободончилигига, бог-роғлар яратишга, шифохона, ҳаммом, маърифат масканларини қуришга кўп эътибор берганлар ва бунинг учун қўшимча равишда ўз шахсий маблағларини харажат қилганлар.

Луғатлар «саховатпеша» сўзини қўли очик, бировлардан нарасини аямайдиган саҳий киши маъносига талқин қилади. «Савоб» эса эзгулик, яхши иш мазмунига ишлатилади. «Ҳомий» сўзи ҳимоя қилувчи, тарафини олувчи, ёқловчи, кўмак берувчи тушунчасини беради. Шунингдек «эҳсон», «ҳикмат», «хайрли», «ҳамдард», «олижаноблик» каби сўзлар халқимизга хос, унинг виждонини, маънавий қиёфасини ифодаловчи мазмундор каломлар сирасига кириди.

Тарихимиз далолат берадики, ўлка-

Рам-барам олам

ОҚ КАРКИДОН

● Шарқий Чехиядаги Двур-Кралов шаҳри қайвонот боғида туғилган қаркидон боласига Наин деб исм қўйилди. Қаркидон боласининг тутқунликда туғилиши жуда нодир ҳодиса ҳисобланади. Шунинг учун ҳам қайвонот боғи хизматчиларининг қувончи чексиз: ахир, бу мазкур боғдаги оқ қаркидоннинг шу ерда туғилган тўртинчи боласи-да. Маълумки, қайвонларнинг бу тури фақат Жанубий Судандагина яшайди. Қолаверса, бу ерда ҳам улар бир неча ўн донагина сақланиб қолган.

Деярли 50 килограммли вазнда туғилган қаркидон боласи ўзини жуда яхши ҳис қилмоқда. Туғилганидан кейин икки соат ҳам ўтмай у онаси сутини эма бошлади, бир неча кун ўтмай эса офтобда исиниш учун ташқарига чиқди. Лекин, ёш қаркидонни ҳозирча қайвонот боғига ташриф буюраётганларга кўрсатишмайпти.

СОХТА ДОЛЛАРЛАР...

● Канада полицияси 50 долларли қалбаки пулларни излаётган, ҳолдан тойдилар. Мамлакатнинг йирик банклари бу ҳақда огоҳлантириб ҳам қўйилди. Йил бошидан бери, фақат 34 донга сохта пул топилди, ҳолос. Сабаби — уларни чинакам долларлардан фарқлаш мушкул. «Рангли нусхалар олиш имконини берувчи лазер қурилмалар ксерокслар пайдо бўлган, — деб ёзади «Торонто стар» газетаси, — 50 долларли қалбаки пулларни «оп этиш оддий иш бўлиб қолди».

Полиция сохта пул чоп этаётган Хосе Мартинс исмли қимсанни фақат тасодиф туфайли қўлга олди. Маълум бўлишича Мартинс 24 минг доллардан ортик шундай пуллар чоп этган экан...

ҲАР ТЎҒРИДА

● Париж, Францияда чиқадиган «ЭКО» газетаси бу мамлакатдаги автомобилларнинг аҳоли тўғрисида бир қанча қизиқарли маълумотларни эълон қилди. Шу йил бошида мамлакатда 28.500 мингта машина бор эди. Шундан 23.550 мингтагина шахсий автотранспорт ташкил этади, яъни ҳар икки кишининг бирига биттадан машина тўғри келади. Бундан ташқари 4.840 мингта ихтисослаштирилган автомашиналар ўтган йил мобайнида 2,5 фоиз, ўтган йилгирма йил ичиде икки баравар, ўтган ўттиз йил давомида эса тўрт ярим баравар кўпайган.

● КАТМАНДУ. Талончилик, қароқчилик, ўғрилик — Непал учун сира хос бўлмаган ҳоллардир. Гап фақат полициянинг яхши ишлашида эмас. Непалликлар умуман табиятан осойишта; зўравонликка тоқат қилмайдиган халқ. Бироқ кейинги вақтларда РСС маҳаллий ахборот агентлиги қуроли ҳужумкор, талончиликлар ва бошқа оғир жиноятлар тўғрисида тобора кўпроқ хабар қилмоқда. Пойтахтдан олис районларга бориладиган катта қўчалар жиноятлар энг кўп содир этиладиган жойга айланди. Қароқчилар Непалда узок жойларга қатнашнинг асосий воситаси — туғи экспресс — автобусларини талаб, каттагина бойлик орттиришмоқда.

Ўққ қондаси — чир фойдаси

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУАМИЗ

Серкўёш диёримизда ёз фасли ҳам якунланди. Ушбу фаслда ўқувчилар таътилга чиқиб, ўзларини анча эркин ҳис этиши оқибатида, йўлларда улар иштирокида турли хил нохуш воқеалар рўй берди. Ота-оналар ўз ишлари, турмуш ташвишлари билан банд бўлганлари ҳамда фарзандларига кўчанинг қайси жойида ўйнаш кераклиги, сув ҳавзаларига бориб чўмилишчи болаларга қатнов қисмининг қайси жойларида ўтиш кераклиги тўғрисидаги насихатларни вақтида бермаганлари йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Шу даврда Тошкент шаҳрининг турли туманларида мактаб, лицей ва коллежлар қошида 35 та оромгоҳлар ташкил этилиб, уларда 7000 дан ортик ўқувчиларимиз 2 босқичда ҳордиқ чиқаришди. Айтиб ўтиш керакки, оромгоҳларда йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан ИХКлари ва ҳаракат хавфсизлигини тарғиб этувчи суҳбатлар ва видеотриналар ўтказилди. Шунингдек, шундай суҳбатлар оромгоҳларга бормасдан таътилни ўз уйларида ўтказётган болалар орасида ҳам ота-оналар иштирокида маҳалаларда ўтказилди. Йўл-патруль хизмати бригадаси ходимларининг хизмати ўташ жойлари ушбу оромгоҳлар жойлашган ҳудудларга яқинлаштирилиб, болаларнинг

оромгоҳларга келиб-кетишлари назоратга олинди.

Бироқ ачинарлиси шуки, ўқув йилида ўқувчилар ўз мараббийларининг назоратида бўлганлиги, мактабларда йўл ҳаракати қоидалари фан сифатида ўқитилмаётгани, Тошкент шаҳар ИХХБ ходимлари томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган турли тадбирлар амалга оширилиб, тарғибот ишлари қўйиштирилганлигига қарамасдан, ёз фаслининг охирига қадар Тошкент шаҳрида болалар иштирокида жами 153 та йўл-транспорт ҳодисалари содир этилган бўлиб, уларда 12 нафар бола ҳалок бўлган, 176 нафар болалар турли хил тан жароҳати олган. Шунини айтиб ўтиш керакки, содир этилган ИТХ-ларининг 104 таси мактаб

ўқувчилари иштирокида бўлиб, 119 нафар ўқувчи турли хил тан жароҳати олганлар. Қолган ИТХлар мактабга таълим муассасалари ва уйда тарбияланувчи болалар иштирокида содир этилган.

Албатта юқоридаги рақамлар айтишгагина осон, бироқ унинг ортда ғам-ғуссага ботган ота-онани, ҳар бир оилага, жамиятга қувонч келтириши мумкин бўлган келажақ ғунчасини, Оллоҳнинг улугъ неъматини бўлмиш фарзандни кўриш мумкин. Бундай ҳодисаларда, ҳар бир бола ҳаёт шамининг сўнишида шошиб кетаётган ҳайдовчидан тортиб, лоқайд, ўз боласининг келажаги билан мутлақо қизикмайдиган ота-она, мураббий деган номни оқлай олмаган мактаб ўқитув-

чисию шундай ҳодисанинг олдини олиш вазифаси юклатилган ИХХ ходимига, ҳаммамнинг кеचириб бўлмас айби бор.

Ҳа, ҳамон болалар иштирокидаги ИТХлари юқориликча қолмоқда. Бу ҳодиса ҳозирги куннинг энг муҳим муаммоси бўлиб, унинг ечими эса ҳар биримизга, яъни ёшу қарининг йўлларда ўзини тутиш маданиятига, ИХКларини муқаммал ўзлаштириб олганлигига боғлиқдир.

Бунинг учун болаларга йўл ҳаракати қоидаларини чўқур ўргатишдан тортиб кўнглисиз ҳодисаларни келтириб чиқараётган омилларга — ҳайдовчиларни маст ҳолатда ёки шошибили автоуловни бошқаришлари, айрим ота-оналарнинг ҳали воёга етмаган ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлмаган фарзандларига автоулов калитини бериб қўйиш ҳолларига қарши курашишда ҳар бир фуқаро ўз масъулиятини сезиши каби омилларга эътиборни қаратиш зарур.

Илхом РАҲМОНОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ
ИХХБ Тарғибот ва
ташвиқот бўлими катта
инспектори

Футбол

КЛУБЛАРИНИНГ
РЕЙТИНГ
ЖАДВАЛИ

Маълумки, ФИФА миллий терма жамоаларининг рейтинг жадвалларини эълон қилиб борса, Халқаро футбол статистикаси ва тарихи федерацияси клубларнинг мамлакат ичкарисидан ва халқаро майдонда кўрсатган натижаларига қараб уларнинг ўрнини мунтазам белгиллаб боради.

Куни кеча Халқаро футбол статистикаси ва тарихи федерацияси томонидан барча қўғалар клубларининг навбатдаги рейтинг жадвали эълон қилинди.

Унда 308,0 балл тўплаган Италиянинг "Интер" жамоаси ҳамон карвонбошилиқ қилмоқда. Қизғин шундаки, Италиянинг яна бир жуда кучли клуби "Милан" учинчи ўринда бораётган бўлса (аслида ушбу жамоа олдингига нисбатан бир поғона пастлаган), Англиянинг "Ливерпуль" ҳамда "Манчестер Юнайтед" клублари 2 ва 4-ўринларни эгаллаб туришибди.

Осиёнинг энг кучли клуби ҳисобланаётган Бирлашган Араб Амирликларининг "Ал-Айн" жамоаси 105-ўринда бормоқда.

Шахримизнинг "Пахтакор" жамоасининг 187-ўринда бориши бизга бир оз ғайритабиий туюлса-да, бироқ ундан пастда Англиянинг машҳур "Манчестер Сити", "Эвертон", Россиянинг "Крылья Советов", Саудия Арабистонининг "Ал-Иттиҳод" жамоалари мавжудлигини кузатадиган бўлсак, бу ўнчиллик ҳам паст натижа эмаслиги ойдинлашади.

КЕСКИН БАҲСДА
— "ҚУРУВЧИ"
ҒОЛИБ

Спортчилар, жумладан футболчиларимиз ҳам Мустақиллигимизнинг 14 йиллигини турли мусобақаларни ташкил қилишган ҳолда муносиб нишонлашди.

Шахримизнинг иккинчи лига клублари эса "Мустақиллик Кубоги" турнирида ўзаро куч синашди.

Саккиз жамоанинг ғолибни аниқлаш юзасидан олиб борган ўзаро учрашувларида энг яхши натижа кўрсатган "Оқтепа" ҳамда "Қурувчи" жамоалари финалга йўлланма олишди.

Хал қилувчи баҳс ҳам ҳақиқий кубок беллашувига мос тарзда жуда кескин, мурасасиз ва ҳаяжонли лавзаларга бой тарзда кечди. Асосий вақт дауранг натижа билан тугаган, навбат 11 метрликлар баҳсига келди. Унда рақибдан 4:3 ҳисобида устун келган "Қурувчи" жамоаси "Мустақиллик Кубоги"нинг соҳиби бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

НУФУЗИ ТОБОРА ОШИБ
БОРМОҚДА

Давоми. Боши 1-бетда.



Тадбирда сўзга чиққан Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқўҳор Тўхтов пойтахтимизда туртинчи мартаба ўтказилаётган Осиё чемпионатининг очилиши билан барчани қутлаб, ушбу турнирнинг нуфузи нафақат қўғамизда, балки дунё миқёсидан ҳам ортиб бораётганини таъкидлаб ўтди.

Осиё чемпионатида иштирок этувчи мамлакатлар сарҳадлари кенгайиб бораётганига кўп асослар мавжуд ва биринчи навбатда бу ғолиблиқни қўғамга киритган спортчилар «Катта дубулға» туркумидаги тўртта мусобақаларнинг бири. Австралия оқиқ чемпионатининг асосий ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишди. Жумладан, Тошкентда 2002-2004 йиллар давомида бўлиб ўтган Осиё қўғамси ўйинлари ғолиблари орасида ҳамюртимиз Вадим Куценко ҳам шундай имкониятдан фойдаланишга муваффақ бўлган. Бунга албатта, ҳар бир давлатда спортга қаратилаётган эътибор муҳим омил ҳисобланади.

Мамлакатимизда спортнинг барча турлари, хусусан тенниснинг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилган, таъкидлади А.Тўхтов. - Жамиятни соғломлаштириш, соғлом авлодни камол топтириш, шунингдек, мамлакатимиз нуфузини жаҳон ҳамжамиятида оширишга йўналтирилган бу муҳим иқтисодий масала дав-

лат сиёсати даражасига кўтарилган ва шахсан Юртбошимиз раҳнамоликлари остида қўғамизда келим-моқда. Шубҳасиз, Ўзбекистонда ўзига хос теннис мактаби яратилган десак, муболага бўлмайди. Бунга спортчиларимизнинг дунёда, шу жумладан Осиё қўғамсида ҳам тенниснинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшиб келаётгани яққол далил бўла олади.

Бу фикрни эътироф этган ҳолда, Осиё



теннис федерацияси президенти Анил Ханна қўғамси ўйинлари кейинги тўрт йил давомида ўзбек заминидан юқори савида ўтказиб келинаётганига алоҳида ургу бериб, дарҳақиқат, Ўзбекистон пойтахти халқаро теннис марказларидан бирига айланганини таъкидлаб ўтди. Мисол тариқасида мамлакатимизда 14 ҳафта давомида «Фьючерс», «Челленджер», шунингдек нуфузли мусобақалардан «Тошкент опен» турнири ҳамда

Осиё чемпионати ўтказилиши, бундан ташқари, теннисни кенг тарғиб қилиш мақсадида ўсмирлар ўртасида йил давомида турли мусобақалар ташкил этилиб, муваффақиятли ўтказилаётгани қайд этилди. ОТФ президентининг фикрига қараганда, шу йилдан бошлаб Осиё чемпионатининг нуфузи янада ортар экан. Бу ҳақда эса кейинги қилишларимизда батафсил маълумот бериб ўтмиш...

Душанба куни шунингдек асосий ўйинлар бошланди. Турнир дастури зич бўлганлиги тўғрисида биринчи куннинг ўзида 18 та баҳс бўлиб ўтди. Мурасасиз кечган беллашувлар натижасида тўққиз нафар ўзбекистонлик спортчилардан атиги икки нафари кейинги босқичга йўлланма олди. Важа Узоқов малайзиялик Ю-Минг Сидан устун келган бўлса, Акмал Шариповнинг бошқа ҳамюртимиз Фофур Ишматовдан қўли баланд келди.

БУГҲН, турнирнинг иккинчи кунинида узоқ танаффусдан сўнг кортга биринчи марта Олег Огородов чиқди. У корейлик спортчи Ох-Хи Коонга қарши курашди. Сарвар Икромов эса Тошиаки Сакаи (Япония) билан куч сиनाшди.

Севимли спортчимиз Ирода Тулганова биринчи давра ўйинларида ҳиндистонлик Иша

Лахкан билан беллашди. Ўзбекистонликлар умид боғлаган бу спортчиларимиз, шубҳасиз, бор имкониятларини ишга солиб, чиройли ўйин кўрсатишларига ишониб қоламиз. Омад ёр бўлсин барчангизга!

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА.

СУРАТЛАРДА: турнирнинг очилиш маросими ва дастлабки баҳслардан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Мунажжим башорати

ФАРЗАНДАР ДАВРАСИДА БЎЛИНГ
7 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Ҳа, бугун фалсафий мушоҳададан бошлаймиз. Тақдир ҳар кимга ўзи хоҳлаганича ўзини намойиш этиш имконини ҳаёда этаркан. Ҳолис ва оқўнгил феъл-атвор ҳамда ўй-фикрларнинг поклиги кимларгадир ёрқин тақдирни, кимларгадир эса миясиданги қинғирликлар — қора тақдирни ҳаёда этиларкан. Кундузги ва тунги Ой қувватларини бирлаштирувчи куч шунга даъват этади.

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, Ой сайёраси йўналишсиз ҳолатда бўладиган (соат 11.34 дан 21.11 гача) вақт оралиғида қўғамга кишилар муҳаббат ва иззат-ҳурматга, янада саховатли соғва-саломларга амалдайдиган анча кўпроқ муносиб деб билиш кайфияти тўғрисида. Шу тўғрисида ўзлари учун гоёат муҳим, аммо амалда бир пулга арзimas диққат-эътибор аломати кетидан қувиб, айрим ўзини босолмайдиган кишилар ўзларини қўрбон қилишгача бориб етишлари мумкин. Шундай дамларда атрофдагиларга нисбатан жуда сезир ва эътиборли бўлиш керак бўлади.

Ўзини танқидий баҳолаш оладиган одам ўз манманлигини, ғурури ҳароратини пасайтириб, тақдир тақозосига қаноат қилиши лозим. Бугун ўз қўлигиз билан тайёрлаган таомингиз жуда фойдали бўлади. Фарзандлар даврасида кўпроқ бўлиш маъқул.

Кун бўйи сизни мусожа ва қўшқ овозлари таъбиқ этиши яхшилик аломати ҳисобланади. Нимандан йўқотил, зонтиқни ёки пичоқнинг ўтир юзини синдириб қўйиш ҳасталик ва нохушлиқларга ишора. Узоқдан меҳмон келиши, йўқолиб кетган алоқаларни теклаш ҳам эзоғликка даҳлдор бўлади. Рўзгор ишларига шўнғиб кетмай, дўконлар оралаб юринг, янги кийимлар сотиб олиш фойдали.

Олов ва темир билан боғлиқ, қишлоқ ҳўжалигига алоқадор ишларнинг ҳаммаси хайрли бўлади. Янги ишни бошлаш, сафарлар, пул муаммоси, қарз олиш учун бугунги кун қўлай келмайди.

Бу кеча қўрилган тушларга алоҳида эътибор бериб ўтиришга арзймайди.

Бугунги ҳар қандай жарроҳлик муолажаларидан сақланиш, қон топишмаслик керак. Пешоб йўллари заифлашган ҳолатда бўлади. Иччи тозалайдиган ва ёшартирувчи муолажалар самарали бўлади. Йога билан, нафас олиш машқлари билан шуғулланинг.

Кийим-кечаклардан қўқ ва қизил рангиларни омадли бўлиши қўлайлиги. Қора ва яшил ранглардан бугунча воз кечинг.

ЧОРШАНБАДА:

— илжои борица ҳар қандай ташвишдан ҳоли бўлиш;
— фақат шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни ҳал этиш;

— қалб мувоzanатини тиклайдиган ишлар билан машғул бўлиш;
— куч-қувватини эҳтиёт қилиб, малажаларни тежаш;
— юрак амрига қўлоқ тутиш;
— оғир дақикаларда ёрдам сўраб яқинларингиз, қариндош-уруғлар ва хизматдошларга мурожаат қилиш тавсия этилади.

Янги ишга қўл уриш, ташаббус кўрсатиш, йўқотганларингизга ачинаш, уларни қайтаришга уриниш, ўз куч ва имкониятларингизга ортқича баҳр бериш мақсадга мувофиқ эмас.

"01"

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИГА
РИОЯ ҚИЛИНГ

Ҳозирги куз мавсумидаги асосий муаммолардан бири — ёқиб юбориладиган қуруқ ўтлар ва чиқинди ахлатлардир. Ёзнинг ўтган ойлари мобайнида қуруқ ўт ва чиқинди ахлатлар ёқилиши тўғрисида 200 дан ортқ ёнғин содир бўлди. Агар ўз вақтида ушбу ўтлар ўриб ташланганда, бундай талафотларнинг олди олинган бўларди.

Шу йилнинг 7 июль куни Ҳамза тумани, Висол кўчаси, 24 хонадонда содир бўлган ёнғин уй бекасининг бепарволигидан келиб чиққан. У ёнғи қозонга қўйиб ўзи телефонда гапга берилиб кетган, ошхонадан қуоқ тутун чиққандагина телефон гўшагини жойига қўйган. Натижада ошхона ва уй том қисмининг 200 квадрат метр майдони

ёниб қўлга айланган. Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ақсарият ҳолларда ёнғинлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя этмаслигимиз оқибатида юзага келаётганига ғувоҳ бўламиз. Ёнғин эса кўплай инсонлар ҳаётини, соғлигини, ёшлигини қўли кетади. Шунинг учун маҳалла фаолларини, хонадон эгаларини, фарзандларимизни ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя қилишга қақириб қоламиз.

Сардор РАХИМОВ,
12-ҳарбийлашган ёнғин хавфсизлиги отряди инспектори, катта лейтенант,
Мухаббат КАМИЛОВА

ТИҲОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар
ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз, қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Баш муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 132-11-39;
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ офсет
узулида босилади.
2496 нускада босилди. Қўғи бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бонқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрини етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўғимларига ёки «Тошкент
почтаменти» — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер
марказида терилди ва сақланган.

«Шарк» нашрийт-матбعا акциядорлик компанияси босмохонаси.
Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.